

ЎЗБЕК МИЛЛИЙ ТАҚИНЧОҚЛАРИ ТАРИХИ

Хошимова Манзура Насуллаевна

*Навоий вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи,
Илмий ходим*

Аннотация: Ушбу мақолада ўзбек миллий тақинчоқлари тарихи ҳамда зеб-зийнат буюмларининг турлари ҳақида маълумотлар тўлиқроқ қилиб ёритиб берилди.

Калит сўзлар: узук, билагузук, латива, шибирма, силсила, моҳитилла, измак, булови, балдоқ, аравак, шалдироқбалдоқ, аравабалдоқ.

Ўзбек миллий заргарлик санъати халқ амалий санъатининг ажралмас бўлаги бўлиб, қадимий даврлардан ўзининг ажойиб санъати билан кенг танилган. Заргарлик ноёб бадий асарларнинг намуналари кўпгина археологик қазилмалардан топилган. Заргарлар техник жиҳатдан умум металл буюмларини ясаш услубларидан ташқари ўзига хос хусусиятларга ҳам эга бўлганлар. Хатто олтин ва кумушни болғалаш, сайқаллаш, пардозлаш, буюмга кўз босиш, тилла суви бериш каби ишларда ўзига хос нозик услуб талаб қилинган. Ўзбек заргарлари асосан уйда, баъзилари бозорда дўкон қурганлар. Уста заргарлар шаҳар ва қишлоқларнинг аҳолиси ва уларнинг буюртмалари асосида турли туман тақинчоқларни ва безакларни (узук, билагузук, сирға, балдоқ, латива кўкракка ва бўйинга тақиладиган маржонлар) тайёрлаб берганлар. Аксарият заргарлар буюртмачиларни кутиб ўтирмасдан ўзлари тайёрлаган заргарлик буюмларини қишлоқма-қишлоқ юриб сотган ёки мол-мулкка, дон-дунга алмаштирганлар. Шу тариқа бу даврга келиб аҳоли ўртасида безак ва тақинчоқлар янада оммавийлашиб боради. Тақинчоқ ва безаклар хотин-қизларнинг ёшига, кийим рангига, мато йўлига ва тикилиш услубига қараб танланган ва тақилган. Улар тақилиш ўрнига қараб турли гуруҳларга бўлинган, шунга қараб бошга, сочга, қулоққа, бурунга, кўкракка, бўйинга, қўлга тақиладиган ва ҳокоза тақинчоқ ва безаклар мавжуд бўлган. Бошга тақиладиган тақинчоқлар турига тиллақош, силсила, моҳитилла, хатаба кабилар кирган. Тиллақош кумушдан ишланиб, бош кийим устидан кийилган ва қош устига тушиб турган, шунинг учун ҳам тиллақош дейилган.

Хонларнинг кўшк ва саройларида махсус заргарлик дўконлари бўлган ва у ерда қимматбаҳо тошлар билан безатилган пичоқ ва қиличлар ясалган. Азал-азалдан зеб-зийнат буюмларининг ҳаётда иқтисодий-ижтимоий ўрни бўлган. Жамиятда кишиларни мавқеини молу-дунёси, зеб-зийнат буюмларига бой ва камбағал табақага ажратишган.

Шунингдек, тақинчоқлар инсонларнинг ёшидаги фарқини ва оилавий аҳволини белгилашда хизмат қилиб уларнинг насл насабидан нишона бериб турувчи хусусиятга эга бўлган.

Анъанавий кийимларга хос тақинчоқ ва безаклар яқин даврларгача одат бўлиб келган. Илгари турли заргарлик зеб-зийнат буюмларидан кўпчилик аёлларнинг бош ва уст кийимлари безатилган. Кийим-кечакларнинг янгиланиши тақинчоқларнинг йўқолишига сабаб бўлган. XIX аср охирларигача аёллар учун заргарлар ишлаб чиқарган зеб-зийнат буюмлари жуда ҳам кўп ва ҳар хилда бўлган. Миллий тақинчоқинчоқлар ясалишига қараб турли номланишда бўлган. Масалан, сирға турларидан: *кана зира, Туркистон балдоқ, Қашқар балдоқ, учкокилли ёки учоёқли зирак, зулукзирак, ой балдоқ, Фарғоначабалдоқ, Тошкентбалдоқ, шалдиरोқбалдоқ, кўзликзирак, арава балдоқ, анжир балдоқ ва ҳоказо.* Узук турларидан: *афғонча узук, кўзсиз узук, румча узук, айрибандузук, шахонак, қуйма узук, ўрама узук, мис узук, тилла узук, хожи узук.* Билагузук турлари: *сўқма билагузук, қўчқор шоҳли росмана билагузук, чоғроқ билагузук, илонбош билагузук, тугмали билагузук, бақабош билагузук, бодомча билагузук ва ҳоказо.*



Зеб-зийнатларни заргарлар асосан ўйма усулда ясаган турли рангдаги маржон, шиша, садаф каби тошлар билан безатишган. Кўп жойларда ипга тизилган маржон шодаси, майда дурдан ясалган мунчоқ, маржон ва шишадан ишланган исирға, узук ва билагузук каби тақинчоқлар билан безаниб юриш ўрфга айланган. Кўйлак ёқасига ҳар хил нозик тўғнағичлар тақишган. **Ёш** болаларга ҳам кўз тегмасин деб, қўли ёки буйнига қора мунчоқ тақишган.

Бухорода олтин исирға шибирмак, япроқсимон шаклда катта ёқут кўзли марварид ёки дур билан безалган. Барча безаклар бой табақаларда тилла, кумуш ва қимматбаҳо тошлардан, камбағал табақаларда эса мис, жез ёки тилла суви қуйилган металллардан ясалган.

Зарафшон воҳасида кўп тарқалган тақинчоқлардан билагузук, узукларни алоҳида таъкидлаб ўтиш керак, чунки ҳар бир хотин-қизда бу тақинчоқлардан бири

албатта мавжуд бўлган. Ҳаттоки заргарлар эски тангалардан ҳам турли тақинчоқлар яшашган, улардан кўкракка осиладиган ва сочга тақиладиган тақинчоқлар тайёрланган. Ҳудудга хос аёлларнинг тақинчоқларидан бурунларга тақиладиган сирғаларни алоҳида таъкидлаш лозим. Сирға бурунларни асосан қўнғирот аёллари, шунингдек, араб, лўли хотин-қизлари ҳам тақишган. Бунда сирға буруннинг икки четига бурун парракларига ҳамда бурун ўрта деворига тақилган. Шунга кўра бу сирғалар латива, измак, аравак (арабак) каби номлар билан юритилган бўлса, ўрта деворга тақилганлари булоқи (булови), бурун балдоқ деб ҳам юритилган.

Соч тақинчоқларининг яна бир тури “жамалак”, “попук” каби турли хилларда номланиб, воҳа аёллари тўй-ҳашамларида безатилган соч попукларини, кундалик турмушда эса оддий соч попукларини таққанлар.

Воҳада қизлар, ўрта ёш аёллар ҳамда ёши кекса кампирларнинг соч ўришида жуда катта фарқ бўлган. Қизларнинг сочи турмушга чиққанига қадар тўрттадан қирқ ва ундан ҳам кўп майдалаб ўрилиб, учига жамалак тақилган. Балоғат ёшигача бўлган қизларнинг сочига эса майдалаб ўрилаётганда пахтадан “пахта пилик” қўшиб ўрилган. Турмушга чиқаётган қизнинг сочини иккита қилиб ўрган ҳамда турли хил тугма, мунчоқ ва пошшои танга (кумуш тангалар) билан безатилган, жамалак (сочпопук) тақилган. Аёллар кундалик турмушда оддий қора ранга бўялган ипакли, чилвирдан иборат жамалаклар тақишган.

Аждодларимизнинг асрлар оша ривожланиб, мерос бўлиб келаётган кўҳна маданияти ва анаъаналарини ўсиб келаётган ёш авлодга миллий ҳунармандчилигимиз тарихини сингдириб бориш энг олий мақсадлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Фойданилган адабиётлар рўйхати:

- 1.** И. Жабборов. Ўзбек халқи этнографияси. Тошкент, «Ўқитувчи», 1994.
- 2.** М.Рустамов. Ўзбекистон этнографияси. Тошкент, «Шарқ», 1991.
- 3.** И. Жабборов. Ўзбеклар (Анъанавий хўжалиги, турмуш тарзи ва этномаданияти). Тошкент, «Шарқ», 2008.
- 4.** А.Набиев, О.Бўриев, И.Шоймардонов. Ўзбекистон тарихини ўқитишда этнографик материаллардан фойдаланиш. Тошкент, «Ўқитувчи», 1996.
- 5.** Аширов. Этнология. Тошкент, «Янги нашр», 2014.
- 6.** Уй-рўзғор энциклопедияси. Тошкент, 1982.
- 7.** Т.И.Ерёменка. Сеҳрли игна. Тошкент, «Ўқитувчи», 1990.
- 8.** Т.А.Абдуллаев. С.А.Хасанова. Одежда узбеков. Ташкент,

«Фан», 1978.

9. А.С.Ўролов. Мўжиза яратиш санъати. Тошкент, «Меҳнат», 1996.
10. Ўзбекистон санъати(1991-2001йиллар). Тошкент, «Шарқ», 2000.
11. С.Булатов. Ўзбек халқ амалий безак санъати. Тошкент, «Меҳнат», 1991.
12. Амалий санъат қисқача луғати. Қомуслар бош таҳририяти. Тошкент, 1992